

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

— 2-2020 —

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

Ш.Каримов, З.Комилова	6
Сингуляр коэффициентли тўртинчи тартибли битта тенглама учун Гурса масаласи.....	
К.Каримов	11
Яримчексиз параллелепипедда учта сингуляр коэффициентга эга бўлган эллиптик тенглама учун чегаравий масалалар	

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

Р.Расулов, Б.Ахмедов, А.Абдухоликов, У.Раимжонова	24
Яримўтказгичларда ток ташувчилар эффектив Гамильтониани назарияси хусусида.....	

КИМЁ

М.Хожиматов, Ф.Абдугаппаров, И.Асқаров, Қ.Отахонов	28
М-ферроценилбензой кислотаси билан амигдалин реакциясини ўрганиш	

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Э.Исаков, Ш.Турдиев	33
Болалар орасида бирламчи ногиронлик структурасининг таҳлили.....	
Ф.Тухтасинов	37
Фарғона водийси жанубидаги сабзаёт экинларининг агробиоценозлари орасида тарқалган бегона ўтлардаги бўртма ва бошқа тур паразит фитонематодаларнинг тарқалиши	

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

Т.Абдуллаев	42
Инсон фаолиятининг ижтимоийлашуви	
Г.Ғаффарова, Б.Қодиров	47
Ҳаракатлар стратегияси ва тизимли ёндашув	
М.Каримова	52
Инсоният онги ва қалбига қаратилган глобал таҳдидлар	
А.Музаффаров	56
Маданиятлараро мулоқот категорияси тадқиқига фалсафий-герменевтик ёндашув.....	
А.Қамбаров, Д.Тошалиев	60
Бузрук мақомидан Сарахбори бузрук шуъбасининг таҳлили масаласига доир	

ТАРИХ

Т.Эгамбердиева	66
1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида ўзбек хотин-қизларининг маънавий жасорати.....	
Ҳ.Холиқулова	71
Ўзбекистон ногиронлар нодавлат нотижорат ташкилотлари: истиқболлари ва уларни ривожлантириш йўллари.....	
О.Ахмадов	75
Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР)да таълим ва тарбияни замонавийлаштириш учун кураш	

УДК: 10(09)+796.5

МАДАНИЯТЛАРАРО МУЛОҚОТ КАТЕГОРИЯСИ ТАДҚИҚИГА ФАЛСАФИЙ - ГЕРМЕНЕВТИК ЁНДАШУВ

ФИЛОСОФСКО-ГЕРМЕНЕВТИЧЕСКИЙ ПОДХОД К ИССЛЕДОВАНИЮ КАТЕГОРИИ МЕЖКУЛЬТУРНОЙ КОММУНИКАЦИИ

PHILOSOPHICAL-HERMENEVIC APPROACH TO THE STUDY OF THE CATEGORY OF INTERCULTURAL COMMUNICATION

А.Музаффаров

Аннотация

Мақолада туризмнинг жаҳон миқёсидаги тарихий тараққиёти ҳамда бу жараёндаги маданиятлараро мулоқотнинг аҳамияти очиб берилди. Бунда Осиё ва Тинч океани минтақасининг халқаро туризм тизимидаги муҳим элементга айланиб бориши жараёнлари таҳлил қилинди. Шунингдек, мазкур минтақалардаги туризм салоҳиятининг юксалиб бориш сабаблари ҳамда истиқболлари таҳлилига алоҳида эътибор қаратилади.

Аннотация

Статья объясняет историческое развитие туризма в глобальном масштабе и важность межкультурной коммуникации в этом процессе. Анализируются процессы, которые делают Азиатско-Тихоокеанский регион важным элементом международного туризма. Особое внимание также уделено анализу причин и перспектив развития туристического потенциала в этих регионах.

Annotation

This article explains the historical development of tourism in the world and the importance of intercultural communication in these processes. The processes that make the Asia-Pacific region an important element of international tourism are analyzed. Particular attention will also be paid to the analysis of the causes and prospects of the development of tourism potential in these regions.

Таянч сўз ва иборалар: туризм, Европамарказчилик, Осиёмарказчилик, Бутунжаҳон туризм ташкилоти, маданиятлараро мулоқот, телекоммуникация инқилоби, глобал тафаккур, эволюция, табиий мерос, стратегик маркетинг.

Ключевые слова и выражения: туризм, европейская центральность, азиатская центральность, Всемирная туристическая организация, межкультурная коммуникация, телекоммуникационная революция, глобальное мышление, эволюция, природное наследие, стратегический маркетинг.

Keywords and expressions: tourism, European centrality, Asian center, World Tourism Organization, intercultural communication, telecommunication revolution, global thinking, evolution, natural heritage, strategic marketing.

Туризм йўналишидаги тадқиқотларни олиб боришда маданиятлараро мулоқот масаласини тадқиқ этиш долзарб ҳисобланади. Чунки XXI асрда кўплав маданиятлар бир-бирига яқинлашиб, бир-бирини тўлдириб, ривожланиб, дунё миқёсида туризм тараққиётига сабаб бўлмоқда.

Маданиятлараро алоқадорлик муаммосини диахроник ва синхроник жиҳатдан таҳлил қилиш мумкин, бироқ, фалсафий-герменевтик таҳлил доирасида ушбу икки жиҳат бир хил муаммони ифодалади. У нафақат турли маданий тизимларга мансуб субъектларнинг ўзаро мулоқот таҳлилини, балки маданиятлараро келишув консенсус учун умумий дунёқараш асосларини яратиш, шунингдек, ўтмиш ва келажакнинг янги персоналлашган мулоқот шаклини ишлаб чиқиш каби вазифаларни ўз ичига олади. У ёки бу ҳолатда ҳам

маданиятлараро мулоқот муаммоси: “матн”, “интерпретация”, тушунтириш”, “тушуниш” каби категориялар билан қайд этилади [1,13]. Маълумки, ушбу “тушунчаларнинг экспликацияси тушунувчан социология, герменевтик фалсафа, структурализм каби бевосита тушуниш муаммосини ўрганувчи бир қатор фалсафий концепцияларни ўзида мужассамлаштирган герменевтик доирада амалга оширилади. Бу маънода “матн” тушунчаси – социо-маданий алоқадорлик муаммоси ва герменевтикани боғловчи асосий тушунча саналади, чунки социал мулоқот, энг аввало, ҳаракатлар алмашинуви ҳамда матнлар интерпретацияси ёки матнлар ҳаракати сифатида намоён бўлади. Ушбу жараёнда субъектнинг матни тушуна олиш лаёқати муҳим аҳамиятга эга. Мазкур қараш лингвосоциопсихологик ёки семиосоциопсихологик ёндашув дея номланади. Ушбу ёндашув социал коммуникацияни, бир томондан,

А.Музаффаров – ТДИУ, таянч докторант.

ФАЛСАҒА, СИЁСАТ

ижтимоий субъектларнинг ўзаро таъсирини тامينлашга, ижтимоий меъёрлар ва хулқ-атвор моделларини ишлаб чиқишга қаратилган универсал социо-маданий механизм сифатида ўрганишга имкон берса, иккинчи томондан, кишиларнинг муаммоли вазиятларда амалга оширадиган интенционал, муайян мақсадга йўналтирилган фаолият тури сифатида тадқиқ этишга йўл очади [2,21-24].

Фалсафий нуқтаи назардан маданиятлараро коммуникация нафақат турли маданиятлар, миллатлар, этнослар, давлатлар ўртасидаги прагматик муаммоларни ҳал этишга қаратилган ижтимоий тақозоланган ҳодиса сифатида, балки маданиятларни ўз ўзини ривожлантиришнинг муҳим механизми, уларнинг ворисийлигини таъминловчи омил ҳамда мулоқот жараёни сифатида ҳам баҳоланади. Коммуникация жараёнида ҳар бир шерик ўзининг индивидуаллиги ва моҳиятини англаб боради [3,152]. Маданиятларнинг ўзаро бир бирини бойитишга қаратилган мулоқоти уларнинг ривожланишига асос бўлади. Бу ҳол уларнинг чуқур илдизларини англашга, ўз ноёблигини, ўзига хослигини билишга имкон яратади. Мазкур жараёнлар эса, оламни, инсон ҳаёти маъносини англашга қаратилган турли дунёқарашлар, билимлар, идеаллар, қадрият ва меъёрларнинг ўзаро таъсири, яъни ижтимоий коммуникация доирасида амалга ошади.

XX асрнинг 20-йилларида Европа фанида мулоқот муаммосига нисбатан бир-бирдан мустақил ҳолда икки ёндашув шаклланди. Мазкур ёндашувларнинг ҳар иккови ҳам мулоқотни инсон борлигининг ажралмас бўлаги сифатида ўрганди. Биринчи ёндашув Олмония ва Австрия олимлари М.Бубер, О.Розеншток, Ф.Розенцвейг, Ф.Гогартен, Ф.Коекларнинг назарий рефлексия ғоялари билан боғлиқ. Ғарбдаги мазкур ёндашувнинг вужудга келиши Олмон фалсафий анъанаси, хусусан, И.Г.Фихте ва Л.Фейрбахларнинг қарашларига боғлиқ бўлди [4,50].

Иккинчи ёндашув Россияда – Л.Г.Цербой, Л.Якубинский каби филолог олимлар ҳамда Г.Шпет, А.Лосев, С.Франк, Л.Карсавен каби файласуфлар қарашларининг ўзига хос синтези сифатида шаклланди [5,116-122]. Ушбу ёндашувнинг онтологик аҳамияти М.М.Бахтиннинг илмий ижодида ўз якунига етди.

Россияда мулоқот муаммосини ўрганиш анъанаси тилшунослик соҳасидан бошланди.

Тил функциясининг таҳлили, жонли нутқнинг эмпирикаси, кишилар ўртасидаги реал мулоқотнинг ўрганилиши мулоҳаза ва фикрнинг ўзаро тақозоланганлигини, яъни нутқий фаолиятнинг рефлексив характери ва унинг ижтимоий табиатини аниқлаш имконини берди. Юқорида қайд этилган олимларнинг тадқиқотларида диалог нутқ ва тилни амалга оширувчи соҳа сифатида ўрганилади. Ўз навбатида мазкур тадқиқотлар мулоқот структурасини ва ундаги элементларнинг ўзаро алоқасини таҳлил қилишга имкон яратади.

Маданий универсум доирасида мулоқотни маданиятлар мавжудлигининг асоси сифатида тушуниш Л.П.Карсавин, С.Н.Трубецковларнинг номи билан боғлиқ [6,10-11]. Мазкур муаммони ўрганишда, “умумбирлик” ва “учбирлик” тамойили, шунингдек, маданият субъектини персонал реаллик сифатида баҳолаш уларнинг бошланғич позициясига айланди, бу маънода маданият ва шахс индивидуал субъектларнинг оддий йиғиндиси эмас, уларнинг бирликдаги мувофиқлашган кўплигини англатади. Бу қараш маданиятни – шахс, жамият, инсоният каби “олий индивидуаллик”, яъни субъект сифатида кўриш имконини беради. Эмпирик соҳада кечадиган жараёнларнинг асосий тавсифи шундаки, ундаги ўзаро тушуниш ва ривожланишга асосланган субъектларнинг доимий алоқадорлиги таъминланган бўлади. Ҳар бир маданият ўзига хос, бироқ бу ҳол ундаги алоқага бўлган имкониятни чекламайди. Муайян мулоқотга киришаркан, маданият яхлитлик доирасида янги сифатга эга бўлади.

Л.П.Карсавин ва Н.С.Трубецковларнинг ғоялари коммуникация шаклларининг пайдо бўлиши ва алмашилиши кўринишидаги реал маданий тарихий жараёнларнинг таҳлилига фалсафий-методологик асос бўлди. Л.П.Карсавин тарихий-маданий жараёндаги мулоқот муносабатлари назариясини: умумий бирлик, учбирлик ва маданият борлигининг персоналлашган характери, дея номланган учта принцип асосига қуради [7]. Ушбу қараш, маданий-тарихий жараёнларни бир бирини тўла билган ва ривожлантирган субъектларнинг ўзаро алоқадорлиги натижаси сифатида кўришга имкон беради. Бошқани шакллантириш жараёнида субъект ўзининг ажралмас бўлаги бўлган икки бирликни ташкил этади. Бу ўринда маданият шаклланишининг асосий босқичи, унинг бошқа бир маданият таркибидан ажраб чиқиш жараёни билан белгиланади; маданиятни ташкил қилган

субъектларнинг бирлашиши эса, кўпликларнинг бирлиги, деб аталади. Муайян маданият бошқа бир маданият билан мулоқотга киришаркан, айти пайтда ҳар икки томон ҳам ўз идентиклигини сақлаб қолиш билан бирга, ўзаро қадрият ва ғоялар алмашилишига имкон яратади.

Л.П. Карсавиннинг мулоқот концепцияси ғоясининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, у маданият ва уни ташкил қилувчи элементларни бир-бирига нисбатан мустақил, лекин айти пайтда бир-бирининг табиатига кириб боришга тайёр субъектлар сифатида ўрланади [8,34]. Ушбу тайёргарлик мулоқот жараёнида ҳар иккала томоннинг тенг ҳуқуқли статусга эга бўлганидагина амалга ошади. Ўзаро тенг ҳуқуқли таъсир натижасида муносабатларнинг самарадорлиги юзага келади.

Онтологик маънода маданиятлараро коммуникациянинг асосини фундаментал зиддиятлар орқали намоён бўлувчи маданиятларнинг мулоқотга боғлиқ табиатидан иборат. Бундан ташқари, маданият феноменининг моҳиятида, табиатга, индивидуалликка, жамиятга, шунингдек, цивилизацияга қарши талқинни учратиш мумкин.

Маданият ва ижтимоийлик ўртасидаги фарқни қуйидагича тушунтириш мумкин. Маълумки, социум – бу, ўзининг умумий меъёр ва қадриятлари билан барқарор, барча учун универсал бўлган (социал гуруҳлар, институтлар, ташкилотлар) каби ижтимоий субъектларнинг йиғиндисидир. Бу ўринда: ижтимоий институт, статус, ижтимоий роль, мобиллик, ассоциация, диссоциация каби тушунчалар аҳамиятга эга. Маданият эса, у ёки бу ижтимоий субъект амалга оширадиган: анъаналар, меъёрлар, қадриятлар, ғоялар, рамзлар тизимининг йиғиндисидан иборат. Бу маънода ижтимоий реаллик: институционал структуралар, роллар, меъёрий тасаввурлар каби ижтимоий жараёнлар орқали белгиланади. Ўз навбатида ижтимоийлик ва маданият бир бирига чамбарчас боғлиқ, чунки инсон ҳар қандай ижтимоий ҳодиса ва маданий қадриятларни амалга оширувчи фактор сифатида фаолият олиб боради. Айтин инсон ҳар қандай ижтимоий структура ва маданий муносабатларнинг бирламчи атоми саналади.

Шахслараро муносабатлар нуқтаи назаридан маданиятлараро коммуникация, ўзаро бир-бирини бойитиш ва тушуниш маъносига, кенг доирадаги ижтимоий муносабатларга нисбатан бирмунча мақбул

саналади. Гап шундаки, социум қайсидир маънода ижтимоий роллар доирасида кишиларни бир бирларидан узоқлаштиради, инсонни ўз табиатидан бегоналаштиради. Социумнинг мақсади, инсонни турли роллар йиғиндисига ва уларни амалга ошириш механизми билан таъминлаган ҳолда уни ижтимоий мавжудотга айлантиришдан иборат. Маданиятнинг мақсади эса, инсонни фақат ижтимоий роллар билан чегараланишининг олдини олиб, уни маънавий етук шахс қилиб шакллантиришдир. Агар ижтимоий коммуникация роллар орқали амалга ошириладиган фаоллик бўлса, маданий коммуникация эса, қадриятий мўлжаллар орқали амалга ошириладиган фаоллик саналади.

Маданият ва цивилизациянинг ўзаро дихотомияси маърифатпарварлик даврида шаклланиб, 300 йил давомида юксак маданият ва утилитар-прагматик ўртасидаги зиддият сифатида талқин этилди [9]. Бу маънода маданият, маънавийлик, идеал ахлоқ ва қадриятлар билан айнанлаштирилиб, цивилизация эса, аксинча, прагматик, оммавийлик ҳамда қадриятларнинг инқирози сифатида баҳоланди.

Маданиятнинг мулоқот коммуникатив табиати уни ижодий дискурс, ўзига хос белги ва рамзлар тизими, алоқа йўли, ўйин феномени сифатида тушунишда намоён бўлади. Бу маънода ўйин ва ўзаро мулоқотнинг органик боғлиқлиги, ўйиннинг ҳам, мулоқотнинг ҳам инсон мавжудлигининг шартли, ахборот алмашишининг ўзига хос усули эканлигида кўринади.

Аниқ бир маданиятга мансуб субъектларнинг шахслараро коммуникациясининг координатлари нафақат диалог предмети бўлган нутқ матнининг мазмуни билан, балки унинг тарихий, маданий, ижтимоий, психологик контексти билан ҳам белгиланади. Ю.М.Лотманнинг фикрича, сўзлашиш нутқининг пайдо бўлиши ва ривожланиши тўғридан-тўғри сўзлашишга имкони бўлган икки томоннинг мулоқотга эҳтиёжи сабабли юзага келди. Диалог қонунлари асосида шаклланувчи коммуникация учун қатъий дистанция ҳамда олдиндан белгиланган иерархик позицияларнинг мавжуд эмаслиги хос бўлиб, унда роллар ва ахборот алмашувининг эркинлиги, диалог мазмунининг синергетик табиати бирламчи саналади.

Мулоқот жараёнида муайян маънонинг ташкил топиши ва ўсиши, инсоннинг маданият ярата олиш имконияти, унинг турли маданий

белгилар ва кодлар асосида рамзлаштири олиш қобилияти сифатида баҳоланади. Э.Тайлор, Г.Спенсер, Л.А.Уайт, К.Леви-Стросс, каби олимлар маданиятлараро мулоқот ана шу ижтимоий белги ва рамзларнинг алмашилиши асосига қурилади, дея таъкидлашади.

Кейинчалик ушбу ғоялар М.М.Бахтиннинг тадқиқотларида ривожлантирилди [10,64]. У мулоқот моҳиятини “хилма-хиллик”ларнинг умумий асосидаги таъсирини, маданиятларнинг ўзаро мулоқотини назоратдан ташқари, деб ҳисоблайди. Яъни, сизнинг онгингиз билан ўзаро мос келмайдиган бошқа бировнинг таърибасини ўзлаштириш олдиндан мавжуд бўлган эстетик воқеликни амалга ошириш ҳақида мулоҳаза юритишга имкон беради. Шу билан бирга, “бегона” ролда инсон шахсияти, унинг асарлари ёки маданияти ҳам бўлиши мумкин. Кейинчалик бу фикрлар “маданиятнинг диалогик онтологияси” каби тадқиқот йўналишлари, “маданиятлар мулоқоти” (В.Б Библиер) мактаби кабиларда ривожлантирилди.

Бугунги кунда маданиятлараро мулоқот инсонлар ва маданиятни тушунишнинг универсал герменевтик калитига айланиб бормоқда. Бундай ҳолатда маданиятлараро мулоқотни оптималлаштириш учун шароитларни қидириш субъектлараро мулоқотнинг энг юқори шакли сифатида ушбу феноменни таҳлил қилиш ва тасдиқлашни таклиф қилади.

Туристтик фаолиятда, мулоқотнинг бевосита шакли сифатида шахслар орасидаги мулоқот ёки саёҳатчининг у ёки бу маданий ҳодиса (феноменон) (маданият, матнлар) билан алоқаси назарда тутилади. Бироқ, таркибий жиҳатдан бу алоқа мазмуни, унинг бевосита идрок қилинишига нисбатан анча бой бўлади. Бу бойлик матн ва контекстнинг кўпмаъноли хусусиятларида ҳосил бўладиган

мулоқот билан белгиланади. Мулоқот предметининг мазмуни, имкониятлари, чегаралари ва ўзаро тушуниш масалалари назарий (фалсафа, турли фанлар) ва мифологик матнлар таъсири остида муайян маданият ва белгилайдиган муаммолар, мулоқот субъектларининг “дунё тасвир”лари (жумладан, қадриятлар, меъёрлар, у ёки бу илмлар, юз-хотир, бошқалар) томонидан белгиланади. Иккинчиси бевосита ва билвосита (мажозий ва рамзий), лекин бир вақтнинг ўзида маданий дунёнинг (бу унинг идеал, маънавий, қийматига йўналтирилган семантик қатламини акс эттирувчи бадиий ва диний маданият “матнлари”) бутун хилма-хиллигининг яхлит аксини [11,67] намоён қилади.

Хусусан, Шарқ ва Ғарб фалсафаси ва санъатининг ўзига хос хусусиятлари ва улар томонидан аниқланган дунёнинг тасвирлари ва уни англашнинг усуллари (биринчи ҳолда, улар интуиция, иккинчисида - ақл тамойилига асосланади), бир томондан, ушбу маданиятлар субъектларининг ўзаро жалб қилиш ва қизиқишларини, бошқа томондан эса - ҳатто зиддиятли вазиятларни ҳам тўлиқ тушунмасликни белгилайди.

Бироқ, қарама-қарши маданиятлар ўртасида бир қарашда ҳеч қандай тўсиқ мавжуд эмас. Бунга, айниқса, Яқин Шарқ, Миср, Юнонистон ва Рим маданиятининг ўзаро таъсирлашуви - Ўрта ер денгизи маданияти марказига - Мисрлик Искандарияга кириб келганида, юнон даврида содир бўлган, инсоният маданиятини бойитган алоқалар гувоҳ бўла олади. Ушбу давр таҳлили Л.П.Карсавинга ўз вақтида турли маданиятлар фақатгина ҳар бир маданиятнинг ўзига хос, ноёблигини акс эттирган юксак маънавий соҳада ўзаро таъсирга киришгандагина ўртадаги зиддият ва келишмовчиликларга барҳам бера олади, деган хулосага келишга имкон берди.

Адабиётлар:

1. Соколов А.В. Коммуникационная деятельность и коммуникационные явления // НТБ. - 2001. -№ 8. Марков А.П. Отечественная культура как предмет культурологии. СПб. СПбГУП, 2006.
2. Дридзе Т.М. Социальная коммуникация как текстовая деятельность в семиосоциопсихологии. // ОНС, 2006. -№3.
3. Тихомиров Л. Религиозно-философские основы истории. М.: "Москва", 2008.
4. Биржаков М.Б. Паломнический туризм. // Туристские фирмы, Вып. 14, СПб, 2007.
5. Ананьев М.А. Экономика и география международного туризма. Изд. МГУ, 2005.
6. Туйчиев Б. Философия, психология, правосознание: проблемы взаимосвязи. Ж. «Ҳуқуқ-право». 2000. 2-сон.
7. Фирсов Б.М. Пути развития средств массовой коммуникации. Социологические наблюдения. - Л.: Наука, 2007.
8. Ричардс Г. Культурный туризм в Европе (перевод с английского Путрик Ю.С.). // Актуальные вопросы теории и практики туризма. Труды. Вып. 2. СПб, 2007.
9. Любимова Т.А. Условия и критерии внесения объектов в список всемирного наследия // Всемирное природное и культурное наследие в образовании. СПб, 2007.

(Тақризчи: Т.Абдуллаев – фалсафа фанлари доктори, профессор).